


# БОЙСУНГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ!



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўзининг 2017 йилнинг 10–11 февраль кунлари Сурхондарёга қилган ташрифи чоғида узоқ йиллардан буён ичимлик сув таъминоти оғир бўлган Бойсун туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича топшириқ берган эди. Мутахассислар томонидан ўтказилган изланишлар натижасида Бойсун туманини тоза ичимлик суви билан таъминлашни “Хўжамайхона” булоғидан амалга оширишга тўхтам қилинди. Лойиҳа билан шахсан танишган давлат раҳбари бу ишни пайсалга солмасдан, қисқа муддатларда ниҳоясига етказиши юзасидан тегишли топшириқлар берди.

“Хўжамайхона” булоғи Бойсун тоғларида, дениз сатҳидан 2 000 м баландликда жойлашган. Тоза ичимлик сув захираси, дастлабки маълумотларга кўра, бир кечакундузда 41 минг м<sup>3</sup> ташкил этади. Сувнинг минераллашуви 0,4–0,6 гр/л ни ташкил этиб, давлат стандартига мос келади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда “Ўзбеккоммуналвойҳақурилиш” ДУКнинг етакчи мутахассислари томонидан булоқ сувидан олинган натижалар ва тоғ



шароити ўрганиб чиқилгач, ишга киришилди. Лойиҳани амалга ошириш учун марказлашган манбалар ҳисобидан ажратилган 58 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Иншоот таркибида узунлиги 38 км айланаси 530 мм бўлган катта босим ўтказувчи сув қувурлари, сувни 160 м баландликка кўтариб бериш қувватига эга насос станцияси ва бошқа ёрдами чи курилмалар мавжуд.

Ана шундай катта миқёсдаги курилиш-loyiҳалаш ишлари қаторида “Газа” сув тақсимлаш иншооти ҳам тўла реконструкция қилинди. Натижада Бойсун туманида яна кўшимча 2 мингдан ортиқ аҳоли ушбу тизимга уланди ва бу ишлар давом этмоқда. Ҳозирги кунда “Газа” сув тақсимлаш иншоотига олиб келинган обиҳаётни туман маркази атрофига жойлашган 14 та қишлоқ аҳоли пунктларига етказиб бериш бўйича ишлар ниҳоясига етмоқда. Маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлардан қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 22,8 км масофада турли катталиқдаги полиэтилен қувурлар келтирилиб, Инкобод, Дашибоз, Пулихоким ва Ўртабўз маҳаллаларида истиқомат қилаётган 9 мингдан ортиқ аҳолига ичимлик суви етказиб бериш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

2019 йилда ушбу бажарилган ишларнинг узвий давоми сифатида Бойсун туманидаги Робот, Наврӯз, Бибиширин, Оқжар, Питов, Кофурун, Чорбоғ, Паданг, Пудина ва Сариқамиш қишлоқларида истиқомат қилувчи жами 13 943 аҳолининг ёки 2 788 та хонадоннинг ўйига тоза ичимлик суви киритилади.



Эътиборли томони шундаки, Бойсун каби тоғ худудларида ичимлик суви иншооти ва құвурларында барлық тәжрибасыда биринчи марта амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида мазкур лойиҳадан ташқари яна 32 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2018 йил инвестицион дастурига асосан бу ишларга 30,4 млрд. сүмдан ортиқ маблағ ажратылған. Бу ҳали ҳаммаси эмас, давлаттамиз раҳбарининг вилоятта ташрифи чоғида берилген топшириктерге күра, сув таъминоти бўйича 44,5 млрд. сүмлик яна 9 та лойиҳа ишга туширилиши лозим.

Үй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан барча лойиҳалар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилган. Амалдаги лойиҳаларда



буюртмачи вазифасини бажараётган вазирликнинг “Сув таъминоти ва канализация обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК томонидан лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар ўз вақтида молиялаштирилиб борилмоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва топширилиш муддатлари устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Бойсунда ичимлик суви муаммоси кўп йиллардан бўён оғир муаммобулиб келар эди. Президентимизнинг ташаббуси ва қурувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Хўжамайхона булоғининг тоза суви бойсунликлар хонадонига кириб келди.

Шундай қилиб Бойсун тумани марказида яшовчи 70 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ҳа, сув масаласи қадимдан ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган. Шу боис ҳам сувни обиҳаёт, деб аташгани бежиз эмас. Бу муаммони ечиш ҳар бир замонда ҳам оддий ҳалқ манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилавермаган. Шу боис ҳам ота-боболаримиз “Сув келтирган хор, кўза синдирган азиз” қабилидаги мақолларни айтишган. Энди замонлар ўзгарди. Сув келтирган азиз, дейиш пайти келди ва республикамида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар шундай бўлишини тасдиқламоқда.

**Алипаша АҲМЕДОВ,**  
**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги,**  
**Матбуот хизмати бошлиги**

